



## Президент қуриб берган ПОЛИКЛИНИКА қачон жиҳозланади?

Президентимизнинг 2018 йил 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида вилоят фаоллари билан ўтказилган учрашувда Ургут туманидаги Шодлик маҳалла фуқаролар йиғини раиси давлатимиз раҳбаридан маҳалладаги собиқ шифохона биноси ўрнида оилавий поликлиника қуриш юзасидан ёрдам сўраган эди.

Президентимиз тақлимимиз маъқуллаб, эртагаёқ мутасаддилар бориб масалани жойида ўрганиши ва ижобий ҳал этилишини айтган эди, – дейди Шодлик маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рофе Носиров. – Ҳақиқатан ҳам йиғилишнинг эртаси кун республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари келиб, вазиятни ўрганди. Худудга оилавий поликлиника зарурлигига уларнинг ўзи ҳам ишонч ҳосил қилди.

Хуллас, кўп ўтмай эски шифохона худудининг бир қисмида замонавий оилавий поликлиника қурилиши бошланди ва ўша йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилди. Аҳолининг тиббий хизмат билан боғлиқ мушқули осон, узоғи яқин бўлди.

Бугунги кунда худуддаги саккиз маҳалланинг 18 минг 400 нафардан ортиқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатяпмиз, – дейди "Шодлик" қишлоқ оилавий поликлиникаси бош врач Одижон Аҳмеджонов. – Уч нафар умумий амалиёт шифокори, шунингдек, акушер гинеколог, жарроҳ, терапевт, стоматолог мутахассисларимиз, йиғирма нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимимиз мавжуд. Лекин олий маълумотли, ёш шифокорларга эҳтиёжимиз бор. Муассаса-

лар, деган саволимиздан сўнг поликлиникага ҳали тиббий ускуналар берилмагани ойдинлашди.

– Айти шу масалада вазирликка мурожаат қилдик, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси. – Республикадан масъуллар келиб

боғланганимизда у ҳам тиббий жиҳоз масаласи вазирлик томонидан қуриб чиқилаётгани, лекин қачон ажратилиши ҳали номаълумлигини қайд этди.

Фойдаланишга топширилганга эндигина бир йил тўлган



самиз керакли юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан таъминланган. Биз поликлиникага борганимизда электр энергияси йўқ, хоналар совуқ эди. Муассаса раҳбарининг айтишича, бинони иситиш учун зарур микдорда кўмир келтирилган. Аммо иситиш қозонида сув ҳайдаш учун электр энергияси зарур. Шу сабабли электр таъминоти бўлмаганда хоналар ҳам совиб кетар экан. Бундай пайтда тиббий аппаратлардан қандай фойдаланасиз-

хонани ўрганиб кетди. Лекин ҳалигача тиббий аппаратлар берилмади. Бундан ташқари, тоғли худуд бўлганимиз учун тез ёрдам хизматига махсус машина сўраганмиз. Албатта, ҳалқимиз маҳаллада поликлиника қурилганидан миннатдор. Энди бу муассаса замонавий жиҳозлар билан ҳам таъминланса, айти мудоао бўларди.

Ушбу масала юзасидан Ургут туман тиббиёт бирлашмаси бош врач Дилшод Тоғаев билан

поликлиника биносининг айрим жойларида қурилиш ишлари билан боғлиқ камчиликларга кўзимиз тушди. Муассаса раҳбари бу камчиликлар қурилиш ташкилотига айтилгани ва тез орада бартаф этилишини билдирди. Ишқилиб, поликлиникага янги жиҳозлар ажратилгунча бу нуқсонлар ҳам тузатилин-да...

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**  
**Алишер ИСРОИЛОВ,**  
(фото).

Депутат йиллар давомида эътибордан четда қолган масалаларни назоратга олди

## “Малокаканская” кўчаси ҚАЕРДА?

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашига Ўзбекистон “Адолат” СДПдан сайланган депутат Муҳиба Бабабекова сайлов округи худудидаги Чашма ҳамда Устозлар маҳалла фуқаролари йиғинларида бўлиб аҳолининг яшаш шароити, уларнинг фикр-мулоҳазалари, ўйлантираётган муаммолари билан танишди.

Юзма-юз суҳбатлар давомида бир қатор муаммоли масалалар юзга чиқиб, депутат аралашувини тақозо этадиган вазифалар белгилаб олинди.

– Мулоқотлар давомида биронта фуқаронинг ўз манфаатни кўзлаб “менга уни қилиб бер, менга буни қилиб бер”, деган мурожаатини эшитмадим, – дейди М.Бабабекова. – Кўтарилган барча масалаларда кенг жамоатчилик манфаатлари ифодаланган.

Масалан, Чашма маҳалласи, Хўжа Дониёрбек кўчасидаги 350 метр ичимлик суви қувурлари яроқсиз ҳолга келиб қолгани, уни алмаштириш масаласида 2 йилдан буён мутасаддиларга қилинаётган мурожаатлар эътиборсиз қолаётгани билдирилди.

Шу кун депутатга аҳоли томонидан Устозлар маҳалла фуқаролари йиғини йиллар давомида Чақар номи билан юритилгани, бу ном тарихий аҳамиятга эгалиги сабабли, маҳаллага шу номни қайтариш, “Малокаканская” кўчаси номлишини ўзгартириш, ушбу кўчага асфальт қопламасини ётқириш юзасидан мурожаатлар бўлди.

Мазкур масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, “Адолат” СДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ўз сайлов округларида аҳоли билан учрашув ва мулоқотлар ўтказмоқда. Ушбу тадбирлар якунига кўра, қайси масалаларни чуқурроқ ўрганиш, сессиялар кун тартибига олиб чиқиш юзасидан келишиб олинади.

**“Адолат” СДП вилоят кенгаши матбуот хизмати.**

## Юртимиз бўйлаб

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан 19 февраль кун ташриф билан Туркияга борди.

18 февраль кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мамлакатимизнинг доимий аҳолиси сони 18 февраль ҳолатига кўра, 34 миллион 926 кишини ташкил этди.

## Худудларда нима гап?

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда ТАТУ Самарқанд филиалида “Имом Абу Мансур Мотуридий илмий мероси ҳафталиги” доирасида маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази вилоят филиали Булунгур туманида “Бизнес яратиш йўлидаги етти қадам” мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

(Батафсил: zarnews.uz сайтида)

## Жаҳон айвонида

Хитойда коронавирус курбонлари сони 2 мингдан ошди.

Жанубий Корея собиқ президенти Ли Мён Бак DAS автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи компания маблағларини ўзлаштиргани ҳамда президентлик даврида Samsung Electronics компаниясидан пора олгани учун 17 йилга қамалди.

Дунёнинг энг бой одами Жефф Безос Ерни кутқариш учун ташкил этилган махсус жамғармага 10 миллиард доллар ажратди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

## Кемтик ўнгилларнинг айфиатини ўтарган итоблар

Миллий масс-медияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Кўнгил кўзи” лойиҳаси доирасида юборилган инглиз тилидаги бадиий адабиётлар вилоятимиздаги қўриш имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларига етказилди.

Брайл алифбоси асосида тайёрланган дастлабки китоблар 2019 йилнинг декабрь ойида Самарқанддаги махсус мактабга келтирилган эди. Шу йилнинг 18 февраль кун эса вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 59-сон кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ҳамда ихтисослаштирилган 60-сон заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати ўқувчиларига брайл алифбоси асосида Англиянинг Лондон шаҳрида нашр этилган жаҳон адабиётининг инглиз тилида тайёрланган сара асарларидан иборат китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Ҳар иккала таълим муассасасининг ҳам ўқувчи ва ўқитувчилари совғаларни мамнуният билан қабул қилиб олишди.

Завқ ва ҳаяжон билан китобларни қўларига олган ўқувчилардан бири “Шекспирнинг асарлари”, деса, иккинчиси “Агата Кристи, Даниэль Дефо”, яна бири, “Габриэль Гарсиа Маркес, Конан Дойл, қандай ажойиб!” деб китобларни бир-бир варақлай бошлади.

– Адабиётга, шеърятга қизиқман, – дейди 59-сон кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ўқувчиси Шербек Исломов. – “Кўнгил кўзи” лойиҳаси асосида мактабимизга келтирилаётган брайл ёзувидаги китоблар биз учун жуда катта имконият. Айниқса, бу китоблар инглиз тилида чоп этилган жаҳон адабиёти дурдоналари эканлиги қувонарлидир. Биз бундай бадиий адабиётларга муҳтож эдик.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

## Ҳурматли тадбиркорлар!

Вилоят ҳокимлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси ташаббуси билан шу йил 27-29 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида вилоят худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтади.

“Маҳсулот ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун катта имконият” шиори остида ташкил этиладиган

мазкур ярмаркада:  
– B2B музоқаралар;  
– келишувлар;  
– шартномалар;  
– тренинглари;  
– тақдимотлар;  
– start-upлар ташкил этилади.

Ярмаркада фаол иштирок этинг ва янги маҳсулотлар билан танишинг

ўзингизга янги ҳамкорлар танланг!

Манзил: Самарқанд шаҳри, Даҳбед кўчаси, 18-уй. Самарқанд педагогика ва сервис касб-хунар коллежи спорт мажмуаси.

Мурожаат учун электрон манзиллар - web-sayt: sn.chamber.uz, telegram: t.me/snchamber, facebook: com/SSP.SAMARQAND

## “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури:

# 1036 лойиҳа режалаштирилиб, 397 таси молиялаштирилди

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 июнда қабул қилинган фармонида кўра, юртимизнинг барча худудларида “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур асосида тижорат банклари орқали ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун 2019 йил 31 декабрга қадар йиллик 7 фоиз ставкада, 2020 йил 1 январдан эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида кредит берилмоқда.

– Ўтган йил вилоятимизда мазкур

дастур асосида жами 235 миллиард 880 миллион сўмлик 1036 та лойиҳани молиялаштириш режалаштирилган эди, – дейди “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси Самарқанд вилояти бўйича координатори Д.Набиев. – Аммо ушбу микдордаги маблағ ажратилмагани ва бошқа сабабларга кўра, йил давомида 397 та лойиҳа молиялаштирилди. Шунинг ҳисобидан 2700 дан ортиқ иш ўрин

яратилди. Энг кўп – 65 та лойиҳа учун Иштихон тумани ёшларга кредит (10 миллиард 674 миллион сўмлик) ажратилган бўлса, кредит микдори жиҳатидан юқори кўрсаткич (30 та лойиҳа учун 14 миллиард 900 миллион сўм) Самарқанд шаҳрига тўғри келди. Шунингдек, Ургут, Тойлоқ, Пахтачи, Пайариқ туманлари ёшлари учун ажратилган кредитлар салмоғи ҳам юқори бўлди.

Лойиҳаларнинг 180 таси ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасида 125 та, қишлоқ ҳўжалигида 92 тани ташкил этди. Ургут туманидаги “Ургут саноат сер-

вис” масъулияти чекланган жамияти ҳам мазкур жамғарма кредит маблағидан фойдаланиб, фаолиятини кенгайтираётган корхоналардан бири.

– 2017 йилда иш бошлаган бўлса-да, ўз биномимиз бўлмагани сабабли ижарада турардик, – дейди корхона раҳбари М.Исломов. – Ўтган йил “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасидан 200 миллион сўм кредит ажратилгач, ўз биномимизга эга бўлдик. Ҳозирда 50 нафардан зиёд тенгдошларимизни иш билан таъминлаганимиз. Биз йил яна 30 та янги иш ўрни очмоқчимиз.

2020 йил учун жамғарма томонидан ҳаёлий эмас, ҳаётий рақамлар танланган, яъни вилоят бўйича 34 миллиард 195 миллион сўмлик 124 та лойиҳани молиялаштириш ва амалга ошириш кўзда тутилган. Бу лойиҳаларнинг ҳам асосий қисми ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ.

**Ғ.МАТЛАБОВ.**



ЖАМИЯТ

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ҚАБУЛХОНАСИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА ҚАБУЛХОНАЛАРГА КЕЛИБ ТУШГАН МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорликни ривожлантиришга тўққинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этиш, келиб тушган ҳар бир муурожаат ижросини қатъий назоратга олиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар ва қабулхоналарга келиб тушган муурожаатларнинг кўриб чиқиши тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

ҳамда туман ва шаҳар ҳокимлари: тадбиркорлар муурожаатлари, уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш борасидаги ишларни жадаллаштирсинлар; тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини турли бошқарма ва ташкилотлар томонидан кўп мартаба бузилиши ҳолатларини мунтазам таҳлил қилиб бориш асосида бундай

салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларини аниқлаб, уларга тўлиқ барҳам беришга қаратилган мақсадли чоралар кўрсин ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақлифларни Самарқанд вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига киритиб борилишини таъминласинлар.

3. Самарқанд вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси

мазкур қарор ижроси юзасидан қилинган ишлар тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳар чорак якуни билан ахборот тақдим этиб борсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси

2020 йил 5 февраль №14/2

Э.ТУРДИМОВ



**БУ - ФАКТ**  
2020 йил 1 январь ҳолатига кўра энг кўп аҳоли сони Самарқанд шаҳрида қайд этилди ва бу ерда яшовчилар вилоят аҳолисининг 14,1 фоизини ташкил этди. Кейинги ўринларда Ургут 13,1 фоиз, Паст Дарғом 9,1 фоиз ва Каттакўрғон туманлари 7 фоизни ташкил этди.  
2019 йилда 101 198 та туғруқ қайд этилган ва 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициентини 26,4 промиллега ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 0,2 промиллега ошган.  
ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

Хар бир инсон фаровон яшашни, ҳаётда ўзини тўла бахтли ҳис этишни истади. Бунинг учун жамиятда, аввало, адолат тамойили устувор бўлиши лозим.

Биз коррупцияга қаршимиз

Аммо унга барҳам берилиши учун қандай курашамиз?



"Самарқанд" халқро аэропортида бўлиб ўтган давра суҳбатда бу алоҳида таъкидланди.  
- Президентимизнинг Олий Мажлиси Муурожаатномасида жамият ривожига тўсиқ бўлаётган иллат - коррупцияга қарши курашишга жиддий эътибор қаратилишини таъкидлади, - дейди Самарқанд давлат университети профессори Фарҳод Набиев.  
- Дарҳақиқат, бу иллатни бартараф қилмай туриб бирор соҳани ривожлантиришнинг имкони йўқ. Шу жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш ҳар бир шахс, у раҳбар бўладими, оддий хизматчиси, асосий иши бўлиши шарт.  
Давра суҳбати иштирокчиларига коррупция, у билан боғлиқ жиноятлар, бунинг оқибатида давлат ва жамиятга келтирилган зарарлар аниқ мисоллар орқали тушунтирилди.  
Сулаймон МАРДИЕВ.

Жангчи, қаҳрамон ва

Примкул Нурмонов

Примкул Нурмонов 1911 йилда Пайариқ туманидаги Оққўрғон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, хўжалиқда механизатор бўлиб ишлаган. 1937-1940 йилларда ҳарбий хизматта қаққирилган. Иккинчи жаҳон урушига 1941 йилда тортилган. 3-Украина фронтининг 178-полкида бўлим командири сифатида жангларда иштирок этган. Старшина П.Нурмонов 1945 йилда она диёрига қайтиб халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатган. 1978 йилда вафот этган.  
Қуйида жангчи қаҳрамон жасорати ва бугунги кунда унинг ҳурмати қандай жойига қўйилаётганлиги хусусида тўхталамиз.



**НУРМОНОВ «ҲИЙЛАСИ»**  
П.Нурмонов қуролдошларига йўл очиб борадиган сапёрлик касбини танлаган эди.  
...Украинанинг унча катта бўлмаган Каменск қишлоғи яқинида кечган бу даҳшатли жанг воқеалари унда қатнашганлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолган. 1941 йилнинг июнида айнан шу жойда сапёрлар бўлинимаси командири Примкул Нурмонов биринчи марта душманга рўбарў келди.

ёнидаги жангда катта талафот кўрган гитлерчилар чекинаётган йўлни тўсиб қўйишга буйруқ берилди. Душманга мазкур қишлоқ гўё катта қўшин билан ўраб олингандек қилиб кўрсатган бўлинима жангчилари йўлни тўсибгина қолмай, ўнлаб немис аскарларини асирга ҳам олдилар. Худди шундай ҳолат қуйи Хортица қишлоғи ёнида ҳам кузатилди. Фақат бу ерда асир олинган душман аскарлари юздан ортиқ эди.

**И УМУМАН ЁКИ ХУЛОСА ...**  
"Снос"нинг, яъни жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми олиб қўйилганда кўчмас мулк объектларининг бузилиши билан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасидаги кўчмас мулклар бузилиши ўртасидаги бир қатор фарқлар мавжуд.

«Эндиликда ҳарбий қисмларимизнинг ҳаракатлари ҳеч нарса ҳалақит бермайди», дея бўлинима бироз хотиржамликка берилгани ҳамон янги буйруқ янгради. Рота командири Примкул Нурмонов бўлинимасига гитлерчиларни улар ўрнаниб олган тепалиқдан улоқтириб ташлаш топширилди. Чунки, айнан шу жойдан туриб улар атрафни қузатар ва қўшинларимизнинг ҳаракатлари ҳалақит бераётган эди.

**Биринчидан**, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилиши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорига биноан амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан қўрилган иморатни бузиш эса суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Аммо бир кун гвардиячи старшина Примкул Нурмонов раҳбарлик қилаётган разведачилар пистирмага дуч келишди. Тўсатдан душман пулемётдан тилган ўқлар жасур жангчиларни ерга ётқизиб қўйди. Нурмонов ҳам гўё ўқ теккандек ерга кулади. Фашист каллакасарлари галабани нишонлай бошлаганларида старшина Нурмонов киёфасидаги қасоскор уларнинг қаршисида тўсатдан пайдо бўлиб уларга ўқ ёғдириди. Чунки, Примкул ўзини ўқ теккандек қилиб кўрсатиб ерга ётиб олган ва қулай вазиятни пойлаётган эди. Шундай вазият туғилиши биланоқ, у жангда ҳалок бўлган дўстлари учун душмандан аёвсиз ўч олди.

**Иккинчидан**, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилиши натижасида тегишли тартибда ер участкаси эгаларига, кўчмас мулк мулкдорларга компенсация тўлиқ тўлаб берилади. Ўзбошимчалик билан қўрилган иморатни бузиб ташлашда эса ҳеч қандай компенсация тўлаб берилмайди.

Украинани озод қилиш учун бўлган жанглардан бирида П.Нурмонов оғир яраланди. Волга ва Днепр дарёларини жанг билан кечиб ўтган жасур жангчи бошини госпиталда хушхабар қувиб етди. Фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати учун 1944 йил 22 февралда унга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилди.

**Барчани уйли қилган**  
Пайариқнинг Эшимоқсоқ қишлоғидан сал ўтгач, Примкул Нурмонов номли жамоа хўжалиги бўларди. Хўжалик номи шу музофотдан чиққан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қаҳрамон жангчи Примкул Нурмонов шарафига қўйилган. Ҳозир бу хўжалик ҳам, унинг номи ҳам йўқ.  
- Примкул Нурмонов урушдан қайтгач, Томойрот қишлоғида яшаган, - дейди Томойрот маҳалла фуқаролар

Инсонга ўзи ҳимоя қилган, унинг қони тўқилган тупроқ ғоят қадрли. Ана шу муқаддас замин П. Нурмоновнинг ўнлаб қуролдош дўстларини мангу бағрига олди. Аммо, ота уйнинг меҳри кишини барибир ўзига тортади. Шундай қилиб, Ватани у билан фахр-ифтихор қиладиган жасур жангчи Примкул Нурмонов қадрдон Пайариқ туманига урушдан қаҳрамон бўлиб қайтди.

Кейинги пайтларда республикамизнинг деярли барча вилоятларида кўчмас мулкларнинг бузилиши ва бу ҳолатдан кўпчилик норозилигининг гувоҳи бўляпмиз.

Кўчмас мулк қачон "СНОС"ГА ТУШАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилмаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларга эгалик қилиш, доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми:

- олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;  
- олиб қўйилган ер участкасида бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;  
- кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;  
- жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;  
- қонун ҳужжатларида ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар компенсация қилиб берилади.

Ўзбошимчалик билан қўрилган уйлари-чи?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

**Маълумотларга кўра**, вилоятимизда 436,3 гектар сугориладиган ер майдонида ўзбошимчалик билан, яъни ноқонуний уй-жой қуриб олинган.  
Амалдаги қонунчиликка асосан, бундай иморатларга мулк ҳуқуқи эътироф этилмайди. Уни қурган шахс иморатни тасарруф этишга — сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг ёки тегишли давлат органларининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қуриш шарт томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

"СНОС"ГА ТУШГАН МУЛК ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилганда, яъни "снос"га тушганда ер участкаси эгаларига, кўчмас мулк мулкдорларига:

**Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.  
Шунингдек, Жиноят кодексининг 229(1)-моддасига кўра, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар

Ориф МУҲАММАДИЕВ, вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.



ИНСОН ҲУҚУҚИ ҲАР НАРСАДАН УЛУФ

Садағанг бўлайлик, адолат!

Толеимизга шукрим, ўтган йилнинг сентябрь ойидан бери шу шукрона гап тўрталамининг ҳам тилимиздан тушмайди. Турганда-ўтирган-да ҳам, тилда-ю дилда ҳам такрорлаймиз.

Чунки 26 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича прокурор ҳар биримизга судьяси Д.Шоазизов раислигида ўтган очик суд мажлисида бизни оқлашди.

Ахир ҳазил гапми – бундан 12 йил олдин судда прокурор ҳар биримизга 15 йил муҳлат сўраса-ю, судья ҳеч бир ўйловсиз ҳукм чиқариб турса. Бундай адолатсизликни ҳеч кимнинг бошига солмасин – емаган сомсага пул тўлаш, қилмаган ишига жазо олиш инсоннинг юрагини, ҳаётга ишончини чилпарчин қилиб юборар экан. Терговчига «Ҳой, Худонинг бандаси, ахир биз бу ишни қилганимиз йўқ, топшириқни қонун доирасида бажарганимиз» деган оху ноламиниз тўрт девор орасида қолиб кетаверди.

Бунинг устига ноқонуний тергов усуллари барчамизни қарахт қилиб қўйди. Ҳақорат, дўқ-пўписа билан ҳар куни битта ноқонуний ҳужжатга имзо чекишга мажбурлашди. Ҳатто оила аъзоларимизга «ёмон бўлиши» билан қўрқитишди.

Ҳар биримиз алоҳида топшириқ, буйруқ билан вазифани бажарган бўлсак-да, «уюшган жиноятчилар» деган тамгани босишди. Мана, кўринг, солиқчилар корхо-

на раҳбаридан пора олиб, солиқни яшириб, давлат бюджетига фалон сўм зарар келтиришган, деб ҳамма-ни ишонтиришди. Фақат бизни яхши билгани учун ҳамкасбларимизгина бу гапга ишонмагани. Ваҳоланки, ҳар биримиз алоҳида тарада «Техинком», «Sam Prod», «Парвина», «Rado Sta» фирмаларида режали текшириш ўтказиб, ўша давр меъёрий ҳужжатлар асосида тўланмаган солиқ миқдорини ҳам аниқлаганимиз. Терговчи эса маълумотларимизни уч йил кейин чиққан баён аризаларимиз мутлақо кўриб чиқилмади. Очиги, эртанимизга ишонмай қўйгандик.

Чунки прокуратура бир ташкилотни бадном қилиш учун унга боғлиқ барча фаолиятдан камчилик, жиноят, аниқроғи, жиноят топши усулини қўллаётган эди.

Хайрият, Шавкат Мирзиёев Президент бўлгандан кейин биринчи навбатда адолатсизликка қарши кураш бошлади. Терговда, судда, умуман, муносабатлар-

да ошкоралик бўлиши талабини қўйди. Ана шу талаб туфайли даъво аризаларимиз ўрганила бошланди. Ниҳоят, суд мажлисида терговчи ва судьянинг хатолари очик айтиди, фаолиятимизга мутахассислар баҳо беришди. Жиноят қилганимиз исботланди. Суд бизни оқлади, қўрган моддий зараримиз қопланди. Шукур, бугун яна ўз ишимизни давом эттиряпмиз.

Бу мақолани ёзишимизга ундаган жиҳат эса, шубҳасиз, Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида инсон ҳуқуқлари, уларни топташга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлиги, қолаверса, тадбиркорлик соҳасида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттириш, жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилиниши зарурлигини алоҳида таъкидлади. «Жиноий уюшма» деган айблов қўйилишига, бу билан боғлиқ ҳолатда улarga оғир жазо тайинлаш каби аллақачон умрини ўтаб бўлган тартибларни бекор қилиш вақти етганига алоҳида ургу берди. Бу эса юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар нарсадан улуг эканининг яққол тасдиғидир.

Ўлмас АШУРОВ, Мурод РУСТАМОВ, Ҳозиркул АНОРОВ, Ато ШАРИПОВ.

Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

Ташкилотчи раҳбар жасорати

1978 йилда у киши вафот этгач, жамоа ҳўжалигига Примкул Нурмонов номи берилиб, биости ўрнатилган. Ҳўжаликлар тарқатилгач, ўз-ўзидан унинг номи йўқолган, биости бошқа жойга кўчирилган. Савобталаб муаллим Самариддин Ёқубов томонидан қишлоқда қаҳрамоннинг уй-музейи ташкил этилган деб эшитганимиз. Бироқ домла вафот этгач, музей ҳам фаолият кўрсатмаган. Музей ашёлари, хусусан орден ва медаллар, ҳатто «Қизил юлдуз» ҳам талон-тарож қилинган.

Маҳалла оқсоқоли билан Примкул Нурмонов яшаган

уйга бордик. Ҳовли шундоққина кўча бўйида экан. Уй ўтган асрнинг саксонинчи йилларида қурилган бўлиб илгари қандай бўлса шундайлигича турибди. Том усти шифери қорайиб, могор босиб кетган. Уйда қаҳрамоннинг ўғли яшаб келмоқда экан. Уй пештоқига кўзга кўринмас даражада кичик лавҳа-тахтача ўрнатилган бўлиб, унда: «Бу уйда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Примкул Нурмонов яшаган», деб ёзиб қўйилган. Дафъатан лавҳадаги битикни ўқий олмадик. Уни чанг ва оҳак ичидан англаб бўлмасди.

Оққўрғон қишлоғида

Примкул Нурмонов вафот этгач, унинг ҳоқи туғилиб ўсган Оққўрғон қишлоғи қабристонига қўйилиб, ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган экан. Наврўз маҳалла фуқаролар йигини раиси Фаррух Мухиддинов ҳамроҳлигида қабристонда бўлиб, Примкул Нурмонов қабрини зиярат қилдик. Тепалик жойдаги қабристон маҳалла худудидаги Карри ва Оққўрғон қишлоқлариники экан. Уни кўриб ажабландик. Карри қишлоғига тегишли қисм ўт-ўланлардан тозаланиб, ободонлаштирилган.

Қабристоннинг Оққўрғонга тегишли қисмини эса ўт-ўланлар босиб кетган, оёқ қўйиб бўлмайди. Хизмат хоналари очик-сочик.

Примкул Нурмоновга қўйилган хотира лавҳаси айнан мана шу ерда экан. Янтоқ, шўра босиб кетган, яқин орада инсон қадами тегмаган зиналардан кўтарилиб лавҳа ёнига бордик ва Қуръон тиловат қилдик. Тош битикда «Совет иттифоқи Қаҳрамони Нурмонов Примкулга(1911 йил

21 март – 1978 йил 9 декабрь) Нурмонов номли колхоз аъзоларидан» деб ёзиб қўйилган.

Туман ифтихори бўлган мард ва жасур кишига бўлган бундай муносабатдан афсусландик.

Ҳудудимизда тўртта қишлоқ бўлиб, улар тасарруфида иккита қабристон бор. Қабристоннинг биттасида белгиланган штат бирлиги бўйича қоровул фаолият кўрсатмоқда. Аммо негадир Оққўрғон қабристонига қоровуллик штати белгиланмаган. - дея бизга изоҳ берди маҳалла раиси. - Қабристонлар туман ободонлаштириш бўлимига қарайди. Қабристондан кўнглимиз хуфтон бўлиб чиқдик. Битта жойда икки хил манзара, икки хил муносабат. Нахотки, оққўрғонликлар ўз қишлоқдошлари ётган жойни обод қилишга ўзларида куч ва ҳафсала тополмаётган бўлсалар, марҳумларга бўлган ҳўрмат шуми, деган хаёл ўтди кўнглимиздан. Маҳалла-қўй, қишлоқ оқсоқоллари бундай хайрли ва савоб ишларнинг бошида бўлишлари керак эмас-ми?

МАКТАБ ФАХРИ

Примкул Нурмоновнинг Томойрот қишлоғидаги биости 2006 йилда Оққўрғон қишлоғидаги 77-умумий ўрта таълим мактабига кўчирилган экан. Йўл ёқасида, чиройли биодан иборат мактаб ҳовлисига киришимиз билан кўнглимиз равшан тортиди. Атроф тоза, озода, ям-яшил арчалар атрофга тароват таратмоқда. Бошида дўппи, кўксига «Олтин юлдуз» нишони таққан Примкул Нурмонов сиймоси кўзга ташланадиган жойда виқор билан боқиб турибди. Биост пойида қиш мавсуми бўлишига қарамай хона гуллари қўйилган.

Бу ерда аждодларимизга бўлган ҳўрматни сўздик.

“ОТАМНИНГ РУҲИ МАДАД БЕРГАН”

Шундан сўнг Примкул Нурмоновнинг қизи Мухаррама Нурмонова хонадонда бўлди. Опа собиқ Куйбишев номли жамоа ҳўжалиги, кейинчалик «Каттатурк» ҳўжалигида раис бўлиб фаолият кўрсатган.

- Фаолиятинг давомида ҳеч қачон отам номидан иш кўрмаганман, - дейди опа. - Бироқ падари бузрукворимнинг руҳи менга доимо мадад бериб турган. Юрагимни эзидган нарса шуки, туман миқсидида бўладиган тадбирларда отам номи эсланмаётганлиғидир. Майли, музей яна қайта тикланар, биости ёки ҳайкали бирор жойга ўрнатилар.

- Примкул Нурмонов нафақат мактабимизнинг, балки туманимизнинг фахри, - дейди илм маскани директори Зокир Рустамов. - Бу сиймо ўқувчиларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қалбларида фазр ва ифтихор туйғуларини уйғотишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз нафақат хотира ва қадрлаш кунлари, балки ҳар доим Примкул Нурмонов мардлиги ва жасоратини тилга олаемиз. Меҳнат фахрийлари, собиқ ҳарбийлар, мактабимиздан етишиб чиққан спортчилар, танқили кишилар билан бўладиган учрашувларимизда ҳамқишлоғимизнинг мазмуни ҳаёти, ибрати хусусида гапирамиз.

Шундай бўлганда хурсанд бўлардик. Биз ҳам Мухаррама опанинг фикрига қўшилаемиз. Бугунги кунда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Унда Ўзбекистон халқининг ҳам мисли кўрилмаган ҳиссаси бор. Шу сабабли Примкул Нурмонов номини абадийлаштириш, туманининг обод гўшаларидан бирида унинг ҳайкалини ўрнатиш, уй-музейини тиклаш келгуси авлод учун муҳим аҳамият касб этарди. Зеро, мардлик ва жасорат ҳеч қачон унутилмайди.

Адхам ҲАЙИТОВ, “Зарафшон” муҳбири.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади

Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбол / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Самарқанд вилоят монополияга қарши курашиш худудий бошқармаси ва коммунал соҳа вакиллари иштирокида туман ва шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари биносидида коммунал соҳада учрайдиган муаммо ва камчиликлар юзасидан қуйидаги жадвал асосида фуқаролар билан сайёр қабуллар ўтказилади.

Table with columns: №, Туман (шаҳар) номи, Ҳафта кунлари, Масъул ходим, Электр тармоқлари корхонасида, Газ таъминоти корхонасида, Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти корхонасида, Ичимлик суви таъминоти корхонасида, Манший чикинди ташиш корхонасида

Самарқанд вилоят монополияга қарши курашиш худудий бошқармаси маъмурияти.

МУЛКЛАР СОТИЛАДИ

“УЗБАТ А.О.” қўшма корхонаси компаниянинг қуйидаги мулкларини тўғридан-тўғри, очик аукцион савдоси ўтказиш орқали сотувга қўйилганлигини эълон қилади:

- 1. Самарқанд вилояти Ургут тумани, Ўрамас маҳалласи худудида жойлашган “Ўрамас” тайёрлов пункти;
2. Самарқанд вилояти Ургут тумани, Бирлик маҳалласи худудида жойлашган “Бобур” тайёрлов пункти.

Аукционда иштирок этиш бўйича қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилиш ёки электрон почта орқали мурожаат этиш йўли билан олишингиз мумкин:

Жамшид Маҳмудов +99893 720-91-26, Jamshid\_mahmudov@bat.com; Аслидин Жўмаев +99897 287-88-68, Asliddin\_Jumaev@bat.com.

Аукционда қатнашиш учун аризалар 2020 йил 2 мартдан 2 апрелгача қабул қилинади.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд туманидаги «SHOXNUR MEHR SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301422375) ўз устив фондиди 399 849 000 (уч юз тўқсон тўққиз миллион саккиз юз қирқ тўққиз минг) сўмдан 359 268 500 (уч юз эллиқ тўққиз миллион икки юз олтиш саккиз минг беш юз) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилгандан барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Қумзор маҳалласи.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 6 февралда 681871 реестр рақами билан рўйхатга олинган «ALIXAN ALIBABA» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «ALIXAN ALIBABA» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 17 февралдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилгандан барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Киёғарлар кўрғони, 29-даҳа, 4-«Б» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306101620.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2012 йил 10 июлда 9031 реестр рақами билан рўйхатга олинган «MAXORAT PRESS» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «MAXORAT PRESS» ХК) корхона таъсисчисининг 2020 йил 19 февралдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилгандан барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Гаспарид кўчаси, 72-уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 302343900.

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Олимга (2015 йил 30 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Холов Негматга (2016 йил 2 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

Самарқанд шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасида марҳум Каюмов



Аукционда қатнашиш учун аризалар 2020 йил 2 мартдан 2 апрелгача қабул қилинади.

Ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 49-умумий таълим мактабидан 2004 йилда Раҳмонкулова Соҳиба Абдусаломовна номига берилган U № 1095450 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 1996 йилда Носиров Юсуф Оманбай ўғли номига берилган U № 8411643 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабидан 1996 йилда Туракулова (ҳозирда Мусурманова) Райхон Саиткуловна номига берилган UZI № 399401 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Мунинова (ҳозирда Туракулова) Гулшона Зокировна номига берилган U № 1702845 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги «RAVOT MEVALI DALASI» фермер ҳўжалигининг (СТИР: 304659362) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Зарафшон» газетасининг 2020 йил 13 февраль 19-сон 3-саҳифасида «БЕКОР ҚИЛИНАДИ» сарлавҳаси остида Паст Даргом туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Эркингов Маъмуржон Икромжон ўғли номига берилган U № 7948599 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома, 2019 йилда берилган UM № 0152692 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома ва Паст Даргом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хўна корлежидан 2019 йилда берилган D № 0149951 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилган. Ушбу ҳужжатлар топилганлиги сабабли ушбу эълонлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳарбий хизматчи Нормуининов Зоҳиддин Худайкуловичнинг шахсий гувоҳномаси (A № 0032811) Самарқанд шаҳри худудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан муқофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99897-406-98-88.

Ҳарбий хизматчи Якубжонов Нуриддин Равшан ўғлининг ҳарбий гувоҳномаси (QK № 2783719) Самарқанд шаҳри худудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан муқофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99893-997-05-72.

Самарқанд давлат университети халқаро таълим дастури факультети ва биология факультети жамоалари халқаро таълим дастури факультети ўқитувчиси Акбар Аҳмедовга ота

Қиличбой ота АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.



КЎНГЛИ НОЗИК, ҚАЛБИ БУЮК

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳқўчасида бир уй бор. Ундаги 52-хонадонда турли миллат ва касбдаги инсонлар истиқомат қилади. Уларни бирлаштириб турувчи бир умумийлик бор, ақсарияти имконияти чекланган, қийналган оилалар. Улар орасида яшайдиган Нодира Эшқувватова билан олимларнинг инновацион лойиҳалари танловида танишиб қолдим. Танишганимдан сўнг, у ҳақда кўпроқ билишга ҳаракат қилдим. Аввал билганларим ҳақида гапирсам...

Вестминстрдаги ўқишини ташлаган ҚИЗ



ногирон аёлларни қўллаб-қувватловчи лойиҳаларни амалга ошироқда

Катта мақсадлар сари дадил қадамлар ташлаётгани у. Эҳтимол, табиатида мақсадлар сари интилиш юқори бўлгани учун бугун ҳам унинг шижоати ҳамма ҳавас ва ҳайрат билан қараётир. Аммо ҳаётдаги энг қийин вазиятларни қандай енгиб ўтди, қандай курашди?

Нодира... У энди икки оёқларида эмас, ногиронлик аравачасида ҳаракатланадиган бўлди. Ўқишни ташлади, сабаби, ногиронлик аравачасида юришга ўрганмаган, ўзини ўзи эплаши қийин, ёнида албатта яқинларидан кимнингдир ёрдамига муҳтож эди. Шунга бўлса керак, ўқишни давом эттириш учун яқинларини безовта қилгиси келмади. Самарқандга, келинлик уйига эмас, ота уйига қайтиб келди...

тўғриси, ҳавас қиламан, - дейди виллоят «Ногирон аёллар» уюшмаси раҳбари Гулбод Намозова. - Жамиятимиз ҳам шу, Спитамен шоҳқўчасидаги 161-уйда жойлашган. Нодира шу уйда истиқомат қилувчи имконияти чекланган инсонларнинг фарзандларига инглиз тили, математика фани бўйича тўғарак ташкил қилган. Вестминстрдаги ўқишини давом эттиролмагани сабабли, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига грант асосида ўқишга қабул қилинди. Жамиятимиз билан ҳамкорлик қилиб, бу ердаги ногирон аёлларни қўллаб-қувватлаш учун лойиҳалар тайёрлайди.

Ушбу лойиҳа амалга ошса, уйда ўтирган, тушкунликка тушган ногирон хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам ижобий томонга ўзгаради.

Тошдан яралган санъат

Бу ёш ҳайкалтарош Бекзод Тошпўлатовнинг гаплари. У дастлаб тошлардан инсон қиёфаларини, турли безакларни ясай бошлади.

Эътибор қилсангиз, ҳеч бир тош ҳажм жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам бир-бирига ўхшамайди. Уларга синчков нигоҳ ташласангиз, инсон тана аъзоларига ўхшаб кетади. Бекзод тошдаги ана шу жиҳатларни фаҳмлади, унга "жон" киргизишга қизиқди. Унинг бу қизиқиши бора-бора ўз устида ишлашга, маҳоратини оширишга ундади. Пойтахтга бориб ҳайкалтарош Дамир Рўзибоевга шогирд тушди, ҳайкалтарошликнинг турли йўналишларида ўзини сынаб кўрди. Тошкент педагогика институтининг санъатшунослик факультетини тугатди.

Ёш ҳайкалтарош бугунги кунда Самарқандда энди урф бўлаётган декоратив ҳайкалларни ясаб, шаҳардаги аҳоли уйларини, саъдо биналарини, меҳмонхоналар, болалар боғчаларини беэмоқда.



Декоратив ҳайкалтарошлик қадимдан ривожланган санъат тури ҳисобланади, - дейди ижодкор. - Бугунги кунда яна талаб ошмоқда. 10 нафар ҳамкасб ва шогирдларим билан халқимизга гўзаллик улашишга ҳаракат қилляптим. Айрим меҳмонхоналар замонавий кўринишни эмас, балки қадимийлик ва миллийлик уфуриб турган ўзбекона муҳитни маҳасасида намоён этишни хоҳлайди. Биз улар буюртмасига кўра, ҳолатга мос ҳайкал ясашга ҳаракат қиламиз.

Ёш ҳайкалтарош билан суҳбатлашар эканмиз, ундаги шижоат ва касбига бўлган меҳр, изланиш бизни ҳайратлантирди. - Самарқанд туризм шаҳри, бу ерга келаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ошмоқда, - дейди Бекзод. - Самарқандга кираверишда қадимий шаҳарни эслатувчи, тарихий декоратив ҳайкаллар ўрнатилган меҳмонларда дастлабки таассурот уйғотади. Шунингдек, кўчаларимизга ҳам мос безакларни бериш лозим.

Насиба НЕЪМАТУЛЛАЕВА.

Реклама ўрнида

21 февраль – Халқаро она тили куни

Ўзбек тили дунёдаги қирқта энг оммавий, гўзал тиллардан бири. Ўзбек давлатчилиги тарихига мустақиллик учун кураш даври сифатида муҳрланган ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири ва тўқсонинчи йиллари боши халқимиз қаддини тиклаш ва миллий тилимиз нуфузини ошириш борасида қўйилган қутлуғ қадамлар билан унутилмасдир. Хусусан, ана шу миллий курашнинг илк самараси сифатида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани чинакам тарихий воқеа бўлган эди.

Она тилимиз – ўзлигимиз ТИМСОЛИ

1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун миллий тилимизни ҳам қўради, мустақиллик учун кураш амалий тус олди. Истиқлол йилларида эса она тилимизнинг давлат тили сифатида қўлланиш кўлами янада кенгайди.

Шундай экан, ҳазрат Навоийнинг «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» деган жумлалари ёши ва касбидан қатъи назар барчамизга тааллуқли деб ҳисоблаймиз. - Кўпчилик орасида бугунги ёшлар она тилимизга ўта бефарқ деган қараш мавжуд. Бу мулоҳазалар ҳақиқатлигини афсуски, инкор этолмаймиз, - дейди каттақўрғонлик тажрибали муаллим, педагогика фанлари номзои Анвар Бекмуродов. - Сўзларига «жаргон», турли иборалар қўшиб гапирувчилар она тилимизга ҳурматсизлик қилаётганини билармикан? Ахир биз жаҳонда кўҳна ва буюк мамлакатлардан бирининг фарзандимиз. Шунга муносиб тарзда яшашимиз, тарихимиз ва албатта она тилимизга бекиёс ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз лозим.

«Тил билган эл билади», деган мақол бежиз айтилмаган. Бугунги кунда иқтидорли, истеъдодли ёшларимизнинг бир неча тилларни мукамал эгалаб, дунёнинг нуфузли ўқув юрларида таълим олаётгани бизни ҳам қувонтиради. Аммо биринчи навбатда она тилимизни улуғлаш, қадрлаш барчамизга фарздор. Абдуазиз ҲОШИМОВ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

20 февраль Норкул МАМАНОВ – 1947 йилда Тойлоқ туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

22 февраль Азим СУЮН – 1948 йилда Пайариқ тумани Накурт қишлоғида туғилган. Шоир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Автомобилингизни суғурта қилдингизми?

Бу саволни бежиз бермадик. Чунки юртимизда автомобиллар сони кўпайиб, кўчаларда қатнов анча тиғизлашди. Шунга монанд, минг афсуски, йўл ҳаракати ҳодисаларининг сони ҳам ортиб бормоқда.

Мабодо машина ҳалокатга учраса, унинг шикастланишидан кўрилган зарарни қоплаш осон эмас. Ҳўш, бу ҳодиса оқибатини қоплашнинг самарали йўли борми? Талафот ва унинг салбий оқибатларини ортиқча чиқимсиз бартараф этиш учун нима қилиш керак? - Бундай ҳолатда автомашинани суғурталаш муаммонинг энг маъқул ечимидир, - дейди "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти Самарқанд филиали бошқарувчиси ўринбосари Жаҳонгир Абдусаидов. - Яъни, автомобилларни суғурталаш, бу автотранспорт воситасининг шикастланиши, нобуд бўлиши ва ўғирланиши оқибатида юзага келган зарарларни қоплаш учун унинг эгасига суғурта товони тўлашидир. Рости, бу масала инсон ҳаёти, катта миқдордаги мулк билан боғлиқ ҳолат. Шунинг учун дунёнинг ақсарият мамлакатларида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинади ва бу ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинган. Бизда ҳам бу масалага қонуний тартиб киритилган. Яъни, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун билан мустаҳкамланган. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида биргина 2019 йил давомида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тури бўйича 65 минг миқоздан 3 миллиард 136 миллион сўм суғурта муқофоти йиғилди. Ариза берган миқозларнинг 67 нафарига 246 миллион 323 минг сўм суғурта товони тўлаб берилди.

Бу яхши. Ҳўш, автоуловини суғурталоган фуқаролар суғурта товонини ундиришда қийинчиликларга дуч келмайлари? Суғурта товонини қанча муддатда олапти? Биз айнан шу масалага қизиқдик ва бахтсиз ҳодиса туфайли автомобили шикастланган фуқароларнинг айримлари билан суҳбатлашдик. - Нарпай туманининг Соҳибқор маҳалласида яшайман, - дейди ўзини Отақул Жумаев деб таништирган киши. - Эгаллигимдаги «Нексия» русумли автомашинани 2019 йилда харид қилдим ва дарҳол "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг Каттақўрғон шаҳар бўлинимасига 40 минг сўм тўлаб, суғурта полисини олдим. Ёзда эҳтиётсизлик туфайли "Дамас" русумли автомобиль билан йўл транспорт ҳодисаси содир этдим. Ҳеч кимга зарар етмади-ю машинам анча таъмирталаб бўлиб қолди. Шунда автоуловини суғурта қилдирганим ёдимга тушди ва "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг Каттақўрғон шаҳар бўлинимасига мурожаат қилдим. Мутахассислар, шунингдек, суд экспертизаси ходимлари ҳолатни ўрганди ва салкам икки ой ичда 14 миллион сўм суғурта товони тўлаб беришди. Натижада машинаمنى соз ҳолатга келтириб олдим. - Очиги, "Мулкингизни, ҳаётингизни, уйингизни турли хавф-хатарлардан суғурта қилинг", деган гапларни кўп эшитардим-у эътибор қилмасдим, - дейди Паст Даргом



тумани Гўзалкент шаҳарчасида яшовчи Воҳиджон Жўрақулов. - Тадбиркорлик юритиш учун банкдан кредит олиш мақсадида шахсий "Дамас" русумли автомашинани гаровга қўйиб, "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг Самарқанд шаҳар бўлинимаси билан гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасини суғурта қилиш тури бўйича шартнома имзоладим. Бунинг учун бўлинимга 1 миллион 19 минг 746 сўм суғурта муқофоти тўладим. Фалокат оёқ остида, деганлари рост экан. 2019 йилнинг 30 июль кунини ишончнома билан автомашинани бошқараётган укам бошқарувни йўқотиб, машинани йўл четидаги бетон бордюрга урди, оқибатда машина ағдарилиб кетди. Шўқр, ҳеч ким шикастланмади, аммо "Дамас" яхшигина таъмирлашни талаб қиладиган ҳолга келиб қолди. Шу ерда машинани суғурталанганлиги иш берди: суғурта компаниясига зарур ҳужжатлар билан мурожаат қилганимдан кўп ўтмай, улар томонидан 37 миллион 55 минг сўмлик компенсация тўлови тўлаб берилди ва шу орқали моддий зарарни қоплаб, машинаمنى тиклаб олдим. Фуқаролар, суғурта компанияси миқозлари билан суҳбатлашиб, англандикки йўлда ҳаракатланаётганда эҳтиётсизлик, автотранспортнинг бузуқлиги, сифатсиз йўллар, ноқулай об-ҳаво, ҳайдовчининг тажрибасизлиги фалокат сабабларидир. Фалокат эса нафақат кишилар саломатлигига, балки уларнинг транспорт воситаларига ҳам зарар етказиши. Шу сабабли ҳам суғурталанган бўлиш ниҳоятда муҳим. Суғурта компаниялари эса бундай вазиятларда Сизга ёрдам беради. Буни унутманг!

Акрам БЎРИЕВ.

Зarafshon МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ КАБУЛХОНА: 233-91-51, ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета "Зарифшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир लोक" ИМЧ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да. ISSN-201667X 9 772 010 667 0091